

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ
ИЛМий ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ

“БОШОҚЛИ ВА ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ
ВА УРУГЧИЛИГИ, ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖОВЧИ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”

Республика илмий-амалий конференция
тўплами

Қарши-2020 йил

2. Джумаев Ш.Б. - Қарши чўли шароитида ёгин микдори ва самарали ҳарорат йигиндиси, “Гўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротех-нологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқ-боллари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 20 декабрь, 2017 йил, Тошкент 444-453 бетлар.

3. Методы Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных сортов, 1964, Москва, Издательство “Колос”

4. Симонгулян Н.Г., Муҳаммедханов С.Р., Шафрин А.Н. –Генетика. Селекция и семеноводство хлопчатника, «Мехнат», Ташкент, 1987 г.

5. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» Тошкент, 2007 й.

6. Пахта билан ўтказиладиган дала тажрибаларининг услуги, ЎзПТИ Тошкент, 1981 йил.

7. Звягинцев Д.Г. “Методы почвенной микробиологии и биохимии” Москва, 1991 г

8. Халиков Б.М., Негматова С.Т. “Мош”. “Наврўз” нашриёти. Тошкент-2020. Б-181.

УЎТ 631.452

СУГОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

**А.Ж. Исмонов
Н.Н. Қаландаров
Ў.М. Мамажанова
А. Т.Дўсалиев**

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада Марказий Фарғона чўл зонасининг шимолий қисмида жойлашган Мингбулоқ тумани Гулистон массивида тарқалган янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар таркибидаги гумус ва озик моддалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Олиб борилган мониторинг тадқиқотларида ўрғанилган тупроқлар ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий моддалари билан жуда кам даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Аннотация. В статье приводятся сведения о гумусе и питательных веществах в новоорошаемых лугово-аллювиальных почвах на массиве Гулистан Мингбулакского района пустынной зоны Центральной Ферганы. В результате мониторинговых исследований было отмечено, что исследуемые почвы были очень мало обеспечены подвижным фосфором и обменным калием.

Annotation. The article provides information about humus and nutrients in newly irrigated meadow-alluvial soils on the Gulistan massif of the Mingbulak region of the desert zone of Central Ferghana. As a result of monitoring studies, it was noted that the studied soils were very poorly provided with mobile phosphorus and metabolic potassium.

Калим сўзлар. гумус, сугориладиган ўтлоқи аллювиал, озик моддалари, унумдорлик, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи.

Ключевые слова: гумус, орошаемые луговые аллювиальные, питательные вещества, плодородие, подвижный фосфор, обменный.

Key words: humus, irrigated meadow alluvial, nutrients, fertility, mobile phosphorus, exchange.

Ҳозирги кунда республикаимиз ер майдонларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг кўламли мелиорация тадбирлари ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш» бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, республикаимизда сугориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мавжуд деградация жараёнларни олдини олиш, тупроқларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ сифатини баҳолаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар Марказий Фаргонанинг шимолий қисмида жойлашган Мингбулоқ тумани, Гулистон массивида тарқалган Сўх дарёсини ташқи ёйилмаларига туташ, Сирдарёнинг қадимги аллювиал текислигида шаклланган сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида олиб борилган.

Ишнинг мақсади Марказий Фаргона чўл зонаси сугориладиган гидроморф тупроқларининг гумус ва озика элементлари билан таъминланганлиги ва ҳудуд тупроқларини агрокимёвий ҳолатини очиб беришдан иборат.

Гулистон массивидан дала шароитида қазилган асосий кесмаларда тупроқ профилининг морфологик тузилиши ва асосий белгилари ўрганилди, лаборатория-аналитик тадқиқотлар учун тупроқ намуналари олинди. Аналитик тадқиқотлар ЎзПТИ нинг [1], ТАИТИнинг [2], ва институтда ишлаб чиқилган, умумқабул қилинган услублар [3] асосида бажарилган.

Мингбулоқ тумани Гулистон массивида жойлашган янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар, Марказий Фаргонанинг шимолий қисмида сизот сувларнинг сатҳи 1,5-2,5м бўлган шароитда шаклланган. Сизот сувларининг аввалдан юқори жойланиши - табиий омиллар билан боғланган бўлиб: тоғ ости текисликлари ва конус ёйилмаларининг қуйи чекка қисмларида, тупроқларни саз режимда ҳамда Сирдарёни қуйи террасаларининг аллювиал режими таъсирида вужудга келган. Тоғ ости текисликларидаги ва конус ёйилмаларидаги ерларни кенг миқёсда ўзлаштирилиши, сизот сувлар оқимини етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли уларни сатҳини текисликка чиқганда кўтарилишига олиб келган. Гидрогеологик шароитларнинг ўзгариши натижасида, автоморф тупроқлар аввал ярим гидроморф, сўнг гидроморф тупроқларга ўтган. Шу муносабат билан сугориладиган ўтлоқи тупроқлар саз ҳозирги табиий-антропоген шароитда, аллювиал ирригация режими қўшилиб сизот сувларни аралашган режими, танланиш режимида пайдо бўлишига олиб келган [4].

1-жадвал

Янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар таркибидаги гумус ва озика моддалари таркиби

Кесма №	Чуқурлик, см ҳисобида	Гумус, %	Фосфор мг/кг	Калий мг/кг
1	0-24	1,450	8,0	137
	24-51	1,323	7,04	103
	51-68	0,967	5,76	77
	68-100	0,889	4,0	70
	100-148	0,317	4,0	50
3	0-26	1,170	7,36	120
	26-52	1,020	4,75	106
5	0-28	1,139	8,0	106
	28-53	1,000	7,04	98
6	0-28	1,456	11,84	132
	28-45	1,173	8,0	77
	45-74	0,763	6,0	72
	74-109	0,545	4,75	67
	109-141	0,343	4,0	58
7	0-28	1,386	25,6	110
	28-42	1,195	24,9	91
	42-80	0,929	14,4	77
	80-105	0,708	9,47	70
	105-140	0,407	8,0	60

Тадқиқот ҳудудларининг янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари ҳайдов қатламлари гумус миқдори ўртача 1,17-1,45% оралигида бўлса, ҳайдалма ости қатламларида гумус миқдори мос равишда 1,00-1,32% ни ташкил этиб, она жинс қатлам томон бир текис камайгани кузатилди ва уни миқдори ўртача 0,31-0,40% атрофида қайд этилди.

Ўрганилган сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдов қатламида ўртача 7,36 мг/кг дан 25,6 мг/кг бўлиб, ҳайдов остида бу кўрсаткич 4,75 мг/кг дан 24,9 мг/кг гача тебранади. Алмашинувчи калий ҳайдов қатламида ўртача 106,0 мг/кг дан 137,0 мг/кг гача бўлиб, ҳайдов остида 91,0 мг/кг дан 106,0 мг/кг ни ташкил этганлиги қайд этилди (жадвал).

Кимёвий таҳлил натижаларига асосан, тадқиқот изланишлари ўтказилган янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий моддалари билан жуда кам ва кам даражада таъминланганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида гумус миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда, сугориладиган гидроморф тупроқларга етарли даражада минерал ўғитларни киритилмаганлиги ва алмашлаб экишни камлиги оқибатида, ушбу тупроқларда деградация жараёнлари вужудга келган. Бу ҳолат, Сох дарёси ёйилмаси ташқи (чекка) қисмлари ва Сирдарёнинг II-қайир усти терассалари геоморфологик районлари тупроқларида кучсиз баъзан ўртача шўрланишларни ҳам юзага келганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириш мақсадида агротехник тадбирларни вақтида ҳамда сифатли ўтказиш орқали эришиш мумкин. Тадқиқот ҳудудида ўрганилган янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда олиб борилган изланишларнинг натижалари бўйича олинган илмий маълумотлар асосида, минерал ва органик ўғитларни илмий асосда табақалаштирилган ҳолда қўллаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни мелиоратив ҳолатининг яхшилаш имконини беради.

Таклифлар. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Марказий Фарғона чўл зонаси ҳудудларида тарқалган ушбу гидроморф тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида, агромилиоратив, агротехник ҳамда агрокимёвий чора-тадбирлар мажмуини табақалаштирилган ҳолда қўллаш ва қишлоқ хўжалик экинларини тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида агротехник чора-тадбирларни вақтида ўтказиш, алмашлаб, такрорий ва орлик экиш тизимларини илмий асосланган ҳолда жорий этиш, органик ва минерал ўғитларни илмий асосланган ҳолда қўллаш, эрозиясига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш чораларини кўриш зарур. Бунда ҳар йили экинлар ҳосили ва бошқа органлари билан тупроқдан олиб чиқиб кетиладиган бир қатор озиқа элементларининг ўрнини тўлдиришга эътибор қаратиб, маҳаллий ўғит ҳисобланган гўнг ва турли компостлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда уларни қўллашда аниқ режаларга амал қилиш керак.

Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда сугориладиган ўртача ва юқори унумдорликка эга ерларга жорий этилган навбатлаб экиш тизимларини эътиборга олган ҳолда, пахта ва бошоқли дон экинларини жойлаштириш ва бунда ўтмишдош экин тури ҳам ҳисобга олинishi керак. Унумдорлиги паст бўлган ерларга сабзавот, полиз, мойли, дуккакли, ем-хашак ва бошқа экинларни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ер ости сувлари жуда яқин, ортиқча намланишга учраган ва унинг натижасида кучли ва жуда кучли шўрланган, намлик юқори ерларида намсевар экинларни (шоли, тарик, оқ жўҳори, мош) жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Пахта майдонларида тупроқларнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент, 1973, 101-128 бетлар
2. М. Тошқўзиев ва бошқалар. Тупроқда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари миқдоридан унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар. Тошкент. 2006, 20 бет
3. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. Москва, 1975, стр. 491
- Р. Кузиев., В. Сектименко, А. Исмонов. Атлас почвенного покрова Республики Узбекистан. Ташкент, 2010. стр. 48

МУНДАРИЖА

Халиқов Б.М. Республикада галлачилик фанининг истиқболлари.....	3
Сиддиқов.Р.И. Республиканинг жанубий минтақаларида галлачиликнинг ривожланиши.....	5
Аманов О.А. Имконият, изланиш ва самара.....	7
Ram Sharma, Juraev D. International collaboration with CGIAR research institutions in wheat improvement and major achievements in Uzbekistan.....	9
1-ШЎҒБА. БОШОҚЛИ ВА ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	10
Абдуазимов А.М. Хозяйственные признаки яровой пшеницы и их взаимосвязь.....	10
Алиқулов С.М., Аманов А., Мусирманов Д.Э., Усмонов Н. Фаргона водийси вилоятларида сариқ занг касалликларга чалинмайдиган юқори маҳсулдор бугдой навларини танлаш.....	12
Алимова М.Б., Бурунов А., Бабоев С.К. Қадимий маҳаллий бугдой навларини глиадин оксиллари электрофоретик спектрлари бўйича баҳолаш.....	14
Аманов О.А., Амиркулов О.С., Зиядов Э.О., Каюмов Н.Ш. Лалми селекцияда нўхат намуналарининг технологик сифат кўрсаткичлари.....	17
Аманов О.А., Амиркулов О.С., Сотторов О.А., Зиядов.Э.О. Шўрга чидамли нав ва намуналарнинг қимматли хўжалик кўрсаткичлари бўйича танлаш.....	19
Аманов О.А., Болқиев З.Т. Қаттиқ бугдой нав ва тизмаларининг унувчанлигини лаборатория шароитида аниқлаш.....	21
Аманов О.А., Мейлиев А.Х. Кургоқчилик ва иссиқликка бардошли ҳамда ҳосилдор қаттиқ бугдой тизмаларини танлашнинг ҳозирги кундаги ўрни.....	24
Аманов О.А., Файзуллаев А. Юмшоқбугдойда кишга чидамлиликини дон ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш.....	26
Аманов Ф.Б., Исаков К.Т., Кушматов Б.С., Хусанов О.Н. Лалмикор майдонлар учун кунгабоқарнинг ширали озуқабоп навлари.....	28
Байметов К.И., Абдуллаев Ф.Х. Мировой генофонд сельскохозяйственных культур: сохранение и пути его обогащения	30
Бекбанов Б.А., Нагыметов О., Зиядуллаев Э.З. Высокоурожайные сорта озимой пшеницы в условиях Каракалпакстана.....	33
Дилмуродов Ш.Д. Лалмикор майдонлар учун юмшоқ бугдойнинг дон сифати юқори тизмаларини танлаш.....	35
Дилмуродов Ш.Д. Лалмикор майдонлар учун юмшоқ бугдойнинг маҳсулдор тизмалари селекцияси.....	37
Дилмуродов Ш.Д. Дурагайлаш учун донор навлар селекцияси.....	40
Дилмуродов Ш.Д., Каюмов Н.Ш. Қаттиқ бугдой назорат кўчатзорида нав ва тизмаларнинг фенологик кузатув натижалари.....	44
Дилмуродов Ш.Д., Хўжамов Н. Вегетация даври қисқа бўлган донор навларни танлаш.....	48
Дилмуродов Ш.Д., Хўжамов Н. Ҳосилдорлиги ва биометрик кўрсаткичлари юқори бўлган донор нав ва тизмалар.....	49
Досчанов Ж.С. Айрим тритикале навларнинг Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида биокимёвий кўрсаткичлари.....	51
Досчанов Ж., Норбоева Д. Тритикале навларининг шўрга чидамлилигини баҳолаш.....	53
Зиядуллаев З., Жўраева Д. Юмшоқ бугдойнинг ривожланиш фазаларини ўрганиш асосида эртапишар намуналарни танлаш.....	56
Зиядуллаев З., Жўраева Д. Бугдой навларини яратишда биометрик кўрсаткичларнинг ўзаро боглиқлиги.....	59
Зиядуллаев З., Жўраева Д. Ҳосилдор бугдой навларини яратишда маҳсулдорлик кўрсаткичларининг таъсири.....	62
Зиядуллаев З.Ф., Файзуллаев А.З., Хўжамов Н. Турли минтақалардан келтирилган юмшоқ бугдой тизмаларининг дон сифат кўрсаткичлари.....	65

Бахромова Н.Н., Азизова А.Қ. Оралиқ экинларни навбатлаб экишда қўллашнинг аҳамияти.....	255
Бекназаров Д. Тупроқнинг агро-физик ва агро-кимёвий хоссаларига алмашлаб экишнинг таъсири.....	257
Бобомуродова М.И., Ишмухамедова Р.Ч. Озиқлантириш режимининг макбуллаштирилиши бугдой ҳосилдорлиги манбаи.....	260
Боиров А.Ж., Нуриддинова Х.Т., Жўраев Ш.А. “Тупроқ-ўғит-кузги бугдой” тизимида фосфор мувозанатининг минерал ва органик ўғитлар меъёрларига боғлиқлиги.....	262
Ботирова Д.Ғ., Бўриев И.А. Бугдой етиштиришда уруғлари фракциялари ва озиқлантиришни макбуллаштириш самарадорлиги.....	265
Ёдгоров Н.Ғ, Тўрақулов Қ.Х. Такрорий мошнинг Дурдона нави ўсув даври, ҳосил элементлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига етиштириш агротехникасининг таъсири.....	267
Ёдгоров Н.Ғ, Тўрақулов Қ.Х. Такрорий соя етиштириш агротехникасининг вегетация даври ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари.....	270
Ёдгоров Н.Ғ, Тўрақулов Қ.Х. Такрорий ерёнгоқ, соя ва мош экинларнинг тупроқ хоссаларига таъсири.....	272
Ёдгоров Н.Ғ, Тўрақулов Қ.Х. Тупроқ қатламларида такрорий экинларнинг илдиз-ангиз қолдиқларини қолиши.....	276
Ёдгоров Н., Ҳасанов Б. Экиш муддат ва меъёрларининг кузги жавдар навлари қишга чидамлилигига таъсири.....	278
Ёдгоров Н., Ҳасанов Б. Мамлакатимизда жавдар етиштиришнинг аҳамияти ва биологик хусусиятлари.....	280
Джаббарова Д.Ғ., Бўриев И.А. Ўсимликшунослик атамалари муаммолари ва илмий амалий ечимлари.....	283
Жўраев Д.Т. Ресурстежамкор технологияда кунгабоқар етиштириш афзалиги.....	284
Жўраев Д.Т. Лалмикорликда ерга ишлов бермасдан нухат етиштириш афзалиги.....	287
Джумаев Ш.Б., Негматова С.Т., Раҳматов И.М., Турсунов.У.Ш. Мошнинг экиш меъёри ва муддатини 1000 донга дон огирлиги ва уруғ унвчанлигига таъсири.....	291
Исмонов А.Ж., Қаландаров Н.Н., Мамажанова Ў.М., Дўсалиев А.Т. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари.....	295
Идрисов Х.А., Халбоев А.Н., Ҳамдамов Ж.У., Тиллабоев А.А. Кузги бугдойдан кейин экилган мош навларининг симбиотик фаолиятини тадқиқ этиш.....	298
Идрисов Х.А, Халбоев А.Н. Мош етиштириш агротехникаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар.....	301
Ирназаров И. Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари деҳқончилиги муаммолари ва илмий-амалий ечимлари.....	303
Ирназарова Н.И. Кузги бугдойнинг дон чиқимиға минерал ўғитлар таъсири.....	306
Ишмухамедова Р.Ч., Икромов М. Кузги бугдойни минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг ҳосилдорликка таъсири.....	307
Камилов Б.С., Шамсиев А.С., Зиятов М.П., Тоғаев Ш.М., Эшонқулов Ж.С., Алибоев Ю.Б., Мухаммадиева О.Н. Типик бўз тупроқ шароитида “Орзу” ва “Арлета” соя навларини такрорий етиштириш агротехнологияси.....	309
Камилов Б.С., Шамсиев А.С., Ражабов Т.Я., Зиятов М.П., Эшонқулов Ж.С., Мухаммадиева О.Н., Хазратқулов Т.К. Такрорий экилган мойли кунгабоқар навлари парваришида сугориш тартибларининг аҳамияти.....	312
Камилов Б.С., Ражабов Т.Я. Такрорий экин — такрорий даромад манбаи.....	315
Каршиева Ш., Келдиярова Х.Х., Абдухаликова Б.А., Ходжакулов Т.Х. Резултати селекции пшеницы в узбекистане. Изучение хозяйственно- ценных признаков и свойств перспективных сортов пшеницы.....	317
Курвантаев Р., Мусурмонов А., Мусурмонова М. Сугориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида бугдой ўсимлигини кам ишлов бериш ва мулчалаш таъсирида ривожланиши.....	319